



ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТ АВВАЛО ИНСОН ОДОБИДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Махмудова Ирода Комилжон қизи


Бахмал тумани 79 мактаб ижодий-маданий
масалалар бўйича тарғиботчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7809669>

“Маънавият” ва “қадрият” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган фалсафий тушунчалардир. Маънавиятли инсон, қадрияти улуғ халқ, қадриятли онг, қадриятли муносабат, қадриятли идеал, қадриятшунослик тушунчалари инсоният маънавий тараққиётининг маҳсули, инсоннинг ўзига, табиий ва ижтимоий борлиққа бўлган янгича муносабати сифатида вужудга келди. Инсоният борлиққа мифологик, диний, илмий, бадий, фалсафий муносабатда бўлишдан қониқмагач, қадриятли муносабатлар типини ҳам яратдики, бу – қадриятли дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Қадриятли дунёқараш фалсафий дунёқарашнинг муҳим таркибий қисми сифатида вужудга келди.

Эътибор берган бўлсангиз, аждодларимиз қолдирган маънавий мерос моҳияти, улар яратган асарлар, таълимотлар мазмунини кўпроқ инсонни комилликка, етукликка, гўзал ахлоқий фазилатларга чорловчи панд-насиҳат, одоб ва ахлоқ доирасидаги эзгу даъватлар ташкил этади. Биргина ҳазрат Навоий асарлари моҳиятида нафақат халқимизга доимий йўлдош бўладиган, балки бугунги дунёнинг маънавий йўқотишлар ҳисобига пайдо бўлган “дардлари”га дармон бўладиган қанча ибрат намуналари бор.

Агар тарихга назар ташласак инсоният шу кунгача кўп қирғинлар, урушлар, босқинларни бошидан кечирганини, босқинлар таъсирида қанча халқлар ўзлиги бошқа халқлар маданияти таъсирида йўқ бўлиб кетганининг гувоҳи бўламиз. Шуларни ўйлаганда беихтиёр асрлар давомида халқимизни халқ, миллатимизни миллат сифатида асраб келаётган юксак маънавиятимиз борлигига шукроналар айтамыз. Ота-боболаримиз одоб-ахлоқ борасида бир томондан ширин лутф билан иккинчи томондан ибрат ва намуна билан, учинчи томондан танбеҳ билан тарбиялашга, халқимизга хос бўлган ҳеч қаерда ёзилмаган “қонун ва қоидалар”ни жорий этишга, таъминлашга ҳаракат қилганлар, бунинг учун ўзларини бурчли деб билганлар.





Бугун четдан кириб келаётган, халқимиз, хусусан ёшларимиз кўнгини забт этишга қаратилган маънавий таҳдидлар, уларнинг турли кўриншларини таҳлил қилар эканмиз яна беихтиёр, “Юксак маънавият енгилмас куч” китобига муурожаат қиламиз:

“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънода эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман,”

Албатта, ёшларимизнинг одоб ахлоқини шакллантиришда санъатнинг, хусусан, эстрада санъатининг ўрни беқиёс. Ёшларни гўзаллик ва эзгуликка, муҳаббат, садоқат, вафодорликка, ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат каби меҳрга ундайдиган бетакрор гўзал ашуллаларимиз жуда кўп.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг хал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”² деган эдилар.

Албатта, маълум бир халқнинг кичкина бир маънавий йўқотиши ҳам ўша халқ учун келгусида катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Буни биз жаҳондаги қатор давлатлар мисолида кўриб турибмиз. Бугун биз айнан, ана шундай маънавий таҳдидлар, турли таъсирлар асири бўлиб қолган ёшлар “томошаталаб” тўдаларга айланиб қолаётгани, улар қалбидаги ота-она, оила, дўст-ёр олдидаги бурч ва масъулият туйғуларининг ўрнини худбинлик, ўта тор доирадаги ўз халқининг қадрият ва анъаналарига зид манфаатлар эгаллаб бораётгани ҳам бор гап. Дунёнинг қатор давлатларида яратишдан кўра бузишга мойил, ҳаёт моҳиятини фақат айшу-ишратдан иборат деб биладиган кайфиятдаги ёшлар пайдо бўлмоқда.

Бу ҳақда ўйлаганда, албатта, ҳар биримиз ҳам ташвишга тушамиз. Ёшлар таълим тарбияси борасидаги ишларимизнинг самарадорлиги қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини англаймиз. Шукрки, мамлакатимизда ёт ғояларга қарши ҳаётда аниқ мақсадлар билан қарши тура оладиган ёшларимиз сафи кундан кун кўпайиб бормоқда. Уларга бўлаётган эътибор бугун ўзининг натижаларини бермоқда. Шу боис, уларга нафақат бугунги куннинг таянчи ва суянчи, балки, эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралмоқда.






Атрофга назар солиб, халқимизга хос бўлган юксак маънавият, бетакрор аҳоқий қадриятлар, гўзал анъаналар тобора мустаҳкам ўрин олаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Бизга тарихдан маълумки, ҳар қандай босқинчи юриши билан боғлиқ қўйидаги бешта жараён юз беради. Келган босқинчи босиб олган халқни батамом қириб юборади, ёки бойликларини талаб ортига қайтиб кетади. Ё ўзи қаттиқ қаршиликка учраб қирилиб кетади, ёки ўз маданияти таъсирида уларни ўзига бутунлай сингдириб юборади, Ё бўлмасам босиб олинган ҳудуднинг маданияти унинг маданиятидан кучли бўлса ўзи маҳаллий маданият таъсирида ўша халқ таркибига сингиб кетади.


Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. Маънавият. 2008.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т.Ўзбекистон. 2015.
3. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. Ўзбекистон. 2016 й.
4. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон. 2017 й.
- 5.Safarov, B.N. (2022). PEARLS-ADVANCE IN THE STUDY OF INTERNATIONAL READING LITERACY. Innovative development in educational activities, 1 (5), 134-138.
- 6.Safarov, B.N. (November 2022). EFFECTIVENESS OF ORGANIZING PEDAGOGICAL COACHING IN PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. AT THE INTERNATIONAL CONFERENCE ON THE PLACE AND SIGNIFICANCE OF INNOVATIVE EDUCATION IN THE 21ST CENTURY (Volume 1, Issue 8, Pages 30-35).
7. Safarov, B. (2021). Importance of mathematics lessons in preparing 6-7 year old children for school education: Importance of mathematics lessons in preparing 6-7 year old children for school education. Journal of Early Childhood Education, 2 (2).
8. Norboyevich, SB, & Akhmadjonovna, BM (2023). MANAGEMENT PRINCIPLES OF EFFECTIVE ORGANIZATION OF EDUCATIONAL PROCESS IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Innovative development in educational activities, 2 (4), 18-23.
9. Daminova Shoxista Farxodovna. The role of national cadres in the formation of social behavior culture in preschool children "Pedagogy" Scientific-theoretical and methodical journal of TDPU named after Nizomi 6\December 2022 155-157





10. Daminova Shoxista Farxodovna. The role of national cadres in the formation of the culture of social behavior in children of preschool age.
11. Daminova Shoxista Farxodovna. Education of creative abilities of children of preschool age through fiction. Mugalim khem continuous education scientific-methodical magazine December 2022 149-151
12. Daminova Shoxista Farxodovna. The role of national mentality in the development of a child's personality. Analytical Journal of Education and Development. Volume: 03 Issue: 02 Feb-2023
ISSN: 2181-2624 31-34
13. Daminova Shoxista Farxodovna. Ecological education and modern information technologies. Scientific and practical conference on ecological stability and youth education, 2016, pages 57-58
14. Daminova Shoxista Farxodovna. Forming the culture of social behavior of preschool children by means of fiction. "Modern trends of primary education: integration of education and training" international scientific and practical conference. City of Jizzakh April 17, 2021 199-201
15. Daminova Shoxista Farxodovna. Norkulova R. Methods of developing native language lessons in elementary grades. Science in the education system? Prospects for the development of innovation and digital economy" International scientific and practical online conference Jizzakh city (November 20, 2021) 243-245
16. Daminova Shoxista Farxodovna. The role of imaginative literature in the comprehensive development of preschool children SJIF Im'act Factor (2021): 8.013 ISI IF Value: 1:241 Monthly, Peer Reviewed (refereed) & Indexed International journal Volume – 6 Issue – 8 August 2021. 72-74
17. Ganiev A., Tursunov B. A., Kurbanov Z. K. Prospects for the use of multiple vermiculites // Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 4. – C. 409-414.
18. Ganiev A., Tursunov B., Karshiev E. Study of physical and mechanical properties of high strength concrete with chemical additives // AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – T. 2432. – №. 1. – C. 050046.
19. Yusuf I., Tursunov B. A. SANOAT CHIQINDISI VA MINERAL QO'SHIMCHALAR ASOSIDA OLINGAN SEMENTLARNING FIZIK-MEXANIK XOSSALARINI O'RGANISH // Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 324-329.





20. Tursunov B. A. ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF COMPOSITE AND STEEL ARMATURE //Строительные материалы, конструкции и технологии XXI века. – 2019. – С. 87-88.
21. Ганиев А. и др. Особо легких бетонов полученных на основе сельского хозяйственных отходов //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 492-498.
22. Shakirov, S. L. T., Tursunov, B. D. S. B., & Odiljanov, A. Z. (2022). THE STUDY OF THE PHYSICAL AND MECHANICAL PROPERTIES AND THERMAL CONDUCTIVITY COEFFICIENT OF ULTRA-LIGHT CONCRETE OBTAINED ON THE BASIS OF LOCAL VERMICULITE. *World Bulletin of Social Sciences*, 14, 36-39.
23. Муртазин, Э. Р., Рустамов, С. С., & Турсунов, Б. А. (2016). Сейсмостойкость коттеджных поселков. *Ученый XXI века*, (3-1 (16)), 15-17.
24. Махмудова, Н. А., & Турсунов, Б. А. (2019). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОТХОДОВ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ ГИПСОВОГО ВЯЖУЩЕГО. In *ПРОБЛЕМЫ ГЕОЛОГИИ И ОСВОЕНИЯ НЕДР* (pp. 393-395).
25. Tursunov, B. A., Akramov, X. A., & Ismoilov, D. (2022). Producing of the optimal ingredients of multi-component cements and research of the physical-mechanical properties. *Open Access Repository*, 8(7), 49-53.
26. Ganiev, A., Tursunov, B. A., & Kurbanov, Z. K. (2022). Prospects for the use of multiple vermiculitis. *Science and Education*, 3(4), 409-414.
27. Mahmudov S. M., Aglamov O., Tursunov B. A. WALL FROM BRICKS, AERATED CONCRETE BLOCKS AND THEIR QUALITIES //Open Access Repository. – 2022. – Т. 8. – №. 9. – С. 95-99.

